

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA-MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

**BUXORO MUHANDISLIK-TEXNOLOGIYA INSTITUTI
“O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI”
“XORIJİY TİLLAR” KAFEDRALARI**

**“ALISHER NAVOIY MA’NAVIY MEROsi – UMUMINSONIY
QADRIYATLAR SARCHASHMASI”**

mavzusidagi

**XALQARO MASOFAVIY ILMIY-SEMINAR
MAQOLALAR TO'PLAMI**



BUXORO -2022

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA-MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

**BUXORO MUHANDISLIK-TEXNOLOGIYA INSTITUTI
“O'ZBEK TILI VA ADABIYOTI”
“XORIJİY TİLLAR” KAFEDRALARI**

**“ALISHER NAVOIY MA’NAVIY MEROsi – UMUMINSONIY
QADRIYATLAR SARCHASHMASI”**

mavzusidagi

**XALQARO MASOFAVIY ILMIY-SEMINAR
MAQOLALAR TO'PLAMI**



BUXORO -2022

**Алишер Навоийнинг “Насойим ул - муҳаббат” асаридағи тушларга
доир мулоҳазалар**

М. Б. Ражабова

**БухДУ ўзбек тили ва адабиёти
кафедраси доценти, ф.ф.д (DSc)**

Аннотация: Мақолада Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарида келтирилган тушларнинг бадиий талқинларига оид мулоҳазалар баён қилинган.

Калит сўзлар: туш, “Насойим ул-муҳаббат”, халқ оғзаки ижоди, ёзма адабиёт.

Annotation: The article contains comments on the artistic interpretation of dreams in Alisher Navoi's "Nasayim ul-muhabbat".

Key words: dream, "Nasayim ul-muhabbat", folklore, written literature.

Туш – бадиий адабиётнинг энг жумбоқли ва қизиқарли мавзуларидан биридир. Туш кўриш – уйқуда содир бўладиган субъектив психик ҳодиса. Тушдаги воқеалар бир-бирига боғлиқ, бироз ноаниқ, ҳаяжонли афсонавий тус олади”.¹¹ Оғзаки ва ёзма адабиётда туш мотивига тез-тез мурожаат қилинган. Туш мотивининг бадиий-эстетик вазифалари Жаббор Эшонкулов тадқиқотларида илмий асосда ўрганилган. Олимнинг таъкидлашича, туш кўриш, таъбир қилиш табиий жараён, бироқ у бадиий асарда, фольклор намунасида бирор-бир вазифа бажармаса, бевосита фольклоршунослик, умуман, адабиётшунослик обьекти бўла олмайди.¹² Демак, туш бадиий матн бағрида маълум функцияни бажариши билан бирга, асар сюжетини ҳаракатга келтирувчи мотив ҳисобланади.

¹¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. VIII жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат ҳомий нашриёти, 2004. – Б.456.

¹² Эшонкул Жаббор. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадиий талқини. – Т.: Фан, 2011. – Б.10.

Туркий халқларнинг илк тасаввуфий достони “Кутадғу билиг”да ҳам туш мотивидан фойдаланилган. Асарда бетоб бўлган Ўзғурмишнинг туши ва унинг таъбири билан боғлиқ фасллар мавжуд.

Мумтоз адабиёт намуналарида туш нафақат бадиий асарлар композициясида, балки тарихий, илмий, тазкира асарлар таркибида ҳам маълум бир вазифани бажарганлиги билан аҳамиятлидир. Жумладан, Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асари туркий адабиётда тазкира жанрида ёзилган илк асар сифатида тасаввуф аҳллари, авлиёлар, улуғ шайхлар тарихига доир қимматли маълумотларни берувчи муҳим манбадир. Муаллиф унда тасаввуф тарихида номлари зикр қилинган улуғ шайх ва уламолар, авлиёлар ҳамда тариқатлар ҳақидаги маълумотлар, нақл-ривоятлардан фойдаланган. Қ.Эргашев айтганидек, бунда “муаллиф услуби ўқиган, эшитган ёки кўрган нарсаларни ҳикоя қилиб бераётган кишининг баён тарзига ўхшайди. У сокин, осуда оҳанг, бир хил маромда ҳикоя қиласди. У нақл этилган, ўзи мутолаа қилган нарсаларни айтиб бераётганлигини доимо таъкидлаб туради. Чунончи, “манқулдирки...”, “нақлдурки...”, “андоғ нақл қилурлар эрдики...”, “дерларки...”, “дептурларки...” сўzlари эшитилган воқеа, ривоят, нақллар келтирилганда қўлланилса, “битубдурлар”, “андоқ битиглиқдурки”, “китобидин андоқ маъқул бўлурки...” каби сўз ва иборалар эса бирор манбада ўқиган нарсаларини баён этаётганини таъкидлашга хизмат қилган”.¹³

Ҳазрат Навоий “Насойим ул-муҳаббат” асари муқаддимасида шундай ёзади: “Ва чун ул Ҳазрат с.а.в. анбиёнинг хотими эрди ва андин сўнгра нубувват эшиги боғланди. Ҳар ойинаким, ноқислар такмилиға умматининг комилу олимларини номвар эттики, бурунғи анбиё ўрниға уҳда қилгайлар ва йўлдин чиқғонларға йўл кўргузгайларки (умматим уламоси Бани Исройил олимлари кабидур. Ва яна – уламо пайғамбарлар ворисидир), аҳодиси андин хабар берур ва ул Ҳазратдин сўнгра бузургвор асҳоби ризвонуллоҳи таоло

¹³ Эргашев Қ. “Насойим ул - муҳаббат”да баён тарзига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 2004. –№ 1. – Б. 22-25.

алайхим ажмаъин халойиққа бу раҳнамойлиғни бажо келтурдилар ва Ҳақ субҳонаҳу ва таолоға йўл кўргуздилар ва ул соҳиб давлатлардин сўнгра бу умматнинг машойихи ва авлиёуллоҳ қ. т. а. бу иршодға иштиғол кўргуздилар ва ваъда будурким, олам инқирозигачаким, миллат ва шариат сийрати мустаким бўлғусидур”.¹⁴ Яъники, Мухаммад алайхиссалом вафотларидан кейин набуват эшиги ёпилди. Яратилган маҳлуқотлар ичида азизи ва мукаррам қилиб яратилган одам болаларини ҳидоят йўлига бошловчи, Ҳақ ва ҳақиқат сирларидан воқиф қилувчи, йўл-йўриқ кўрсатувчилар бўлмоғи керак, – дейди Навоий. Бундай улуғ вазифа валояту каромат аҳлининг зиммасида деб таъкидлайди. Улар халқ орасида сўфийлар деб аталган. Мазкур фикр ҳадислар билан ҳам тасдиқланган: Расулуллоҳ с. а. в. деди: мендан кейин пайғамбарлик бўлмайди. Фақат башоратлар бўлади. Мўъмин киши бу башоратларни тушида кўради ёки унга кўрсатилади.¹⁵

Кашфу каромат тасаввуфдаги энг қизиқарли ва мунозарали масалалардан бири ҳисобланади. Тасаввуф вакиллари ҳаётида рўй берган кароматларнинг шакллари турлича бўлган. Ана шулардан бири шайх ва тасаввуф аҳлларининг тушлари ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш керакки, Алишер Навоийнинг жуда кўп асарларида туш билан боғлиқ тасвиirlарни кузатишими мумкин. Жумладан, “Сабъаи сайёр”, “Садди Искандарий”, “Лисон ут-тайр”, таърих ва “Холот”ларида ҳам тасвиirlанаётган воқеа-ходиса ҳамда қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатини очища туш мотивидан унумли фойдаланган.

Алишер Навоий халқ оғзаки бадиий ижодиётининг қадимиј эпик анъаналаридан яхши хабардор бўлганлиги сабабли туш мотивининг бадиий имкониятларини ҳам яхши билган. Шу сабабли “Сабъаи сайёр” достонини яратища туш мотивидан фойдаланган.¹⁶

Оғзаки ва ёзма манбаларда кўп учрайдиган мазкур мотиви “Насойим ул-муҳаббат”да тасаввуф вакилларининг ҳаёти ва яшаш тарзи, авлиёлик

¹⁴ Навоий А. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. XX жилдлик. XVII жилд. – Т.: Фан, 2001. – Б.15.

¹⁵ Навоий А. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. XX жилдлик. XVII жилд. – Т.: Фан, 2001. – Б. 268.

¹⁶ Жўраев М., Нарзиқурова М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – Б. 168.

сифатларини ёритувчи тушлар сифатида намоён бўлганлигини кузатиш мумкин. Асарда тушга нисбатан “воқеа” сўзи ҳам қўлланган. Воқеа – туш, гойибдан келадиган тушлар маъносида келган.

Тасаввуфшунос олим Н. Комилов “Насойим ул-муҳаббат” асарига оид тадқиқотларида: “Туш бирор-бир гояни, эътиқодни тасдиқлаш, ўз йўлининг тўғрилигига ишора этиш ва бунинг учун улуғ салафлардан мадад ва шафоат тилаш истагига хизмат қилган”¹⁷, - деб ёзади. Кўриниб турибдики, туш шайхларга насиб қилган кароматларнинг бир тури сифатида турли воқеаларга ишора, маълум бир фалокатлардан огоҳ берувчи ҳодиса сифатида намоён бўлади.

Асарда келтирилган тушларни таҳлил қилиб, қуидагича тасниф қилиш мумкин: 1. Асарда таъбири келтирилган тушлар. 2. Таъбири берилмаган тушлар. 3. Тафсилоти келтирилмаган тушлар. 4. Башорат тушлар. 5. Панд-насиҳат тарғиби билан боғлиқ тушлар.

1. Асарда таъбири келтирилган тушлар. “Насойим ул-муҳаббат”нинг ўнинчи тартиб рақамида келтирилган Имом Аъзам билан боғлиқ маълумотлар таркибида тўртта туш тафсилоти келтирилган. Асарда ана шу тушлардан иккитасининг таъбири берилган: “... бир неча воқеада кўрдиким, Мустафо с.а.в. муборак: сўнгакларин лаҳадда йифиб, баъзини баъзидин айирадур. Ва воқеанинг ҳайбатидин уйғонди ва Ибн Сириннинг асхобидин бирига айтти. Ул мундоқ таъбир қилдиким, сен Расул с.а.в.нинг илми ва суннати ҳифзида бийик даражага еткайсан, андоқки, аҳодисда мутасарриф бўлгайсен ва сахихни сақимдин айиргайсен”.

Хикояда таъбири келтирилган иккинчи туш: ”Дебурларким, замон халифаси Малак ул-мавтни туш кўрди ва сўрдиким: менинг умрумдин неча қолибдур? У беш бармоғига ишорат қилди. Уйғониб, кўп камол аҳлидин бу туш таъбирин сўрди, ҳеч ким жавоб бера олмади. Абу Ҳанифа а.р. дедики, бу ишорат беш илмгадурки, бу оятда воқеъдур: [Дарҳақиқат, ёлғиз Оллоҳнинг ҳузуридагина (қиёмат) соати (қачон бўлиши тўғрисидаги) билим бордир. У

¹⁷ Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Мороуннахр – Ўзбекистон, 2009. – Б. 60.

(ўзи хоҳлаган вақтда, ўзи хоҳлаган жойга) ёмғир ёғдиур ва оналарнинг бачадонларидағи ҳомилаларини (ўғилми-қизми, расоми-нуқсонлими, баҳтлими-баҳтсизми эканини] билур. Бирон жон эртага нима қилишини била олмас. Бирон жон қаерда ўлишини ҳам била олмас. Фақат Оллоҳгина билгувчи ва огоҳдур].¹⁸

Келтирилган иккита тушда Имом Аъзам шахсидаги икки жиҳатга урғу берилган. Биринчидан, “юз қиблаи ҳақиқийға келтурди ва халқдин юз эвурди ва пашмина кийиб, риёзатқа машғул бўлган” Имоми Аъзамнинг пайғамбар суннатларини тиргузмак учун узлат қасди қилмаслиги билан боғлиқ бўлса, иккинчи туш унинг ладуний илм соҳиби эканлигидан дарак берар эди.

2. Таъбири берилмаган тушлар. Асада шайхларнинг ҳаёти ва фаолиятини ёритувчи турли ҳикоялар ҳам келтирилган. Баъзан ҳикояларда шайхлар ҳаётида бурилиш ясаган туш тафсилоти келтирилган. Буни Шайх Имрон Сулсий ҳақидаги маълумотларда ҳам кузатишими мумкин.

“Фақир Ҳиравий дебдурки, Имрон Сулсий кундуз меҳмонсиз нима емас эрди. Рўза тутар эрди. Қачон меҳмон етса, аниң билан таом ер эрди. Бир кун меҳмон кечқурун етишти. Чун сойим (рўзадор) эрди ва шом яқин эрди. Меҳмонни сўзга тутди. То била ифтор қилғай. Ҳамоноки, мусоғир оч эрди ва таомфа интизор тортди”. Имрон Сулсий ифторга яқин келган меҳмонини гапга тутиб, оч қолган мусоғирни таомга интизор қиласи. Ҳикоя давомида Имрон Сулсийнинг ўша кеча кўрган тушининг тафсилоти келтирилади. “Ул кеча Ҳақ с.т. Имроннинг тушига кириб дедики, эй Имрон, сенинг бизнинг била бир одатинг бор эрди, яхши. Бизнинг дағи санинг била суннатимиз бор эрди, яхши. Сен одатингни бадал қилдинг, биз ҳам суннатимизни бадал қилдуқ!” Уйғонган шайх кўрган тушидан қайғуради. Шундан сўнг Имрон Сулсийнинг бошига тушган ташвиш ва дарбадарликлар келтирилади. Ҳикоя давомида “... неча кундин сўнгра они бир бузукда топдиларки, жон таркин деб эрди ва сичқон бир қулогин еб эрди”.¹⁹

¹⁸ Навоий А. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. XX жилдлик. XVII жилд. – Т.: Фан, 2001. – Б. 31.

¹⁹ Навоий А. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. XX жилдлик. XVII жилд. – Т.: Фан, 2001. – Б. 192.

Гарчи бунда тушнинг таъбири берилмаган эса-да, китобхон ундан кейин келган тасвиридан тушда нимага ишора бўлганлигини англаб олади.

3. Асарда тафсилоти келтирилмаган тушлар ҳам мавжуд. Жумладан, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд билан боғлиқ ҳикояда шундай дейилади: “Дебдурларки, Ҳазрат Хожа Азизон а.р.в. дер эрмишларки, ер бу тоифанинг кўзида бир суфрачадур ва биз дербизки, тирноғ юзичадур. Ҳеч нима булар “ўзидин ғойиб эмас ва дебдурларки, тавхид сиррига етса бўлур. Аммо маърифат сиррига етмак душвордур. Алар муборак сафар азимати қилурда бузургзодалардин бирига зикр таълимин дегандурлар. Ул сафардин қайтғанда аларға дебдурларки, ул таълим олғон зикрга иштиғол кўрсатмайдур ва тарк қилибдур. Алар андин сўруbdурларки, бизни ҳеч туш кўрдунг? Деди: Ҳов, кўрдум! Дедиларки, сенга басдур!”²⁰

Ҳикоя давомида “ҳар кимгаки оз робита бу азизлар била бўлса, охир мулҳақ бўлур ва ул нажот сабаби ва даражот рафъи жихати бўлур”, дейилади. Демак, тушда “азизлар”, яъни сўфийлар билан яқин бўлиш нажот ва юксак даражалар сабаби эканлиги айтилади. Бу эса кўрилган тушнинг тафсилоти айтилмаса ҳам матндан унинг мазмуни англашилганлигини кўрсатади.

4. “Насойим ул-муҳаббат” асарида келтирилган тушларнинг жуда кўпчилиги содир бўлиши мумкин бўлган ҳодисалардан хабар берувчи башорат тушлариdir. Демак, бундай тушларда рамзийлик кучли бўлади. Асадаги жуда кўп тушлар ана шундай хусусиятга эга. Жумладан, Шайх Нажибуддин Али б. Бузғуш Шерозий қ. с. ҳақида келтирилган ҳикояда: “Олим эрди ва ориф, сарчашмаи улуму маориф. Отаси ғаний ва тожир эрди. Ва Шомдин Шерозга келди ва мутааҳҳил бўлди ва мутаваттин. Бир кеча амирул-муъминин Али қ.в.ни тушта қўрди ва анинг қошиға таоме келтуруб, анинг била еди ва анга башорат бердики, Ҳақ с.т. санга фарзанде бергусидур,

²⁰ Навоий А. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. XX жилдлик. XVII жилд. – Т.: Фан, 2001. – Б. 264.

нажиб ва солих. Чун ул ўғул туғди, анга ул ҳазрат отин қўйди: Али ва лақаб Нажибуддин деди”²¹.

Маълумки, тушда улуғ инсонларни кўриш яхшилик аломати ҳисобланган. Шайх Нажибуддин Алининг отаси ҳам тушида Али к.в.ни кўриши ва унга таом бериши яхши ҳодисага ишора эканлиги тушнинг ўзидан ҳам англашилиб турибди

Тушлар рамзлар асосида пайдо бўлар экан, уни таъбир қилишда анъанавий халқона рамзларга алоҳида эътибор қаратилган. Асарда Абу Жаъфар Сайдалоний р.т.га тааллуқли тушда рамзийлик яққол кўриниб турибди: “...аввали ибодатимда Ҳазрат Рисолат с.а.в.ни туш қўрдумки, ўлтурубдур. Ва бу тоифадин бир жамоат, машойих ул Ҳазратнинг теграсида ўлтурубдурлар. Ногоҳ осмондин бир фаришта инди ва илгига бир ташт ва бир офтоба. Ва ул Ҳазратнинг муборак илигига сув қўйди. Ва бирин-бирин машойих илгига ҳам қўйди ва илигларни ювдилар. Чу манга етти, дедиларки, ул бу тоифадин эмас. Ул фаришта таштни қўтарди ва кетти. Мен айттим: Ё Расулуллоҳ, мен агарчи бу тоифадин эмасман, аммо санга зоҳирдурки, буларнинг дўстларимен. Мустафо с.а.в. дедики, ҳар ким буларни севар, булардиндур. Бас ул малак келиб, менинг ҳам илгимга сув қўйди ва илгимни ювдум. Фил-ҳақиқа мосиваллоҳдин ул Ҳазрат с.а.в. менинг сари боқиб табассум қилиб дедиким, чун бизни севарсен”.²²

Таъкидлаш керакки, валий инсонларнинг улуғ муддаоси ўз вужудини поклаш, Оллоҳ ризолигига эришишдир. Бу йўлдаги риёзат натижалари уларнинг кўрган солих тушларида ҳам башорат сифатида намоён бўлган. Худди шундай ҳолатни Шайх Разијоддин Али Лоло Ғазнавийнинг туши мисолида ҳам кўриш мумкин.

Шайх Разијоддин Али Лолонинг Шайх Нажмиддин Куброда мурид бўлиши унинг кўрган солих тушида башорат қилинган эди: “Иттифоқан Шайх Али Лоло ҳам кеча воқеъа (туш)да кўрдики, бир шоту кўюбдурлар,

²¹ Навоий А. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. XX жилдлик. XVII жилд. – Т.: Фан, 2001. – Б. 339.

²² Навоий А. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. XX жилдлик. XVII жилд. – Т.: Фан, 2001. – Б. 117.

осмонғача. Ва бирав бу шоту бошида турубдур. Ва эл бир-бир анинг қошига келурлар ва ул буларнинг илигин тутуб, осмонғача элтур. Ва бу илиг тутуб элтган киши бу кишининг илигин анга берур ва ул илигин тутган кишини осмонға элтур. Шайх Али Лоло ҳам борди ва анинг ҳам илигин тутуб, ул киши илигига бердилар ва осмонға чиқарди”.²³ Ўғлининг кўрган тушини башорат қилган отаси: “талаб қилмоқ керакки сенинг ишинг калиди анинг илигидадур”²⁴

Кўринадики, Абу Жаъфар Сайдалонийга тегишли тушда жамоат, сув рамзий маънода қўлланган. Расули акрам атрофида ўтирган жамоат “аҳли яқинлар”, яъни мутасаввуфлар. Сув – покланиш, улуф мақомга эришишдир. Шайх Разијуддин Али Лолонинг тушида осмонга қадар кўтарилиган шоту юксак мақсад - муддаога эришиш, ниятнинг ижобат бўлишидир.

Тушда сувнинг рамзий маъно ташиши билан боғлиқ тасвирни “Мажолис ун-нафоис” асарининг 2-мажлисида Хожа Масъуд Қумий ҳақида келтирилган маълумотда ҳам учратишимииз мумкин. Алишер Навоий унинг машхур бир байтини келтиради:

Бе ту чун дар гиръя хобам, мебарад,
Хоб мебинам, ки обам мебарад.²⁵

Таржимаси: Сенсиз йиғи орасида ухлаб қолсан, тушимда ўзимни сув оқизиб кетаётган ҳолда кўраман.

Ошиқнинг тушида уни сув оқизиб кетишини ёруғлик, яхши ниятнинг ижобати сифатида талқин қилиш мумкин. Бундан ташқари, лирик қаҳрамон шу даражада кўп йиғлаганки, унинг кўз ёшлари ўзини оқизиб кетганлиги маъносида ҳам англашилади.

“Насойим ул-муҳаббат”да келтирилган тушларнинг таъбири билан биргалиқда талқин қилиниши, биринчидан, туркий халқлар орасида туш таъбирчилиги тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилса, иккинчидан, тарихий шахслар – улуф шайх, авлиё ва каромат эгаларига хос

²³ Навоий А. Насойим ул- муҳаббат. МАТ. XX жилдлик. XVII жилд. – Т.: Фан, 2001. – Б. 297.

²⁴ Навоий А. Насойим ул- муҳаббат. МАТ. XX жилдлик. XVII жилд. – Т.: Фан, 2001. – Б. 303.

²⁵ Навоий А. Мажолис ун - нафоис. МАТ. XX жилдлик. XIII жилд. – Т.: Фан, 1997. – Б. 43.

фазилатларни халқона тасаввур ва эътиқодлар асосида бадиий талқин қилиш учун хизмат қилган.

5. Асардаги тушларда фақатгина номи зикр қилинган шайхларнинг ҳаётига тааллуқли воқеа-ҳодисалар тасвириланмаган, балки инсонларнинг қалб поклигига, иймон бутунлигига, эътиқод мустаҳкамлиги-ю, нафс ғулғуларидан қутилиш йўлларидан огоҳ қилувчи панд-насиҳатлар ҳам илгари сурилган. Буни Бунон б. Мұхаммад Ҳаммол қ.т. с.га бағишлиланган ҳикояда ҳам кўришимиз мумкин. Унда ёзилишича, “...Маккада сокин эрдим. Иброҳим Ҳаввосни тавофда кўтарар эдим. Андин кўнглумға шукуҳе юзланур эрди. Бир қатла андоқ воқеъ бўлдиким, очлик заъифидин йиқилиб, хушум зойил бўлди. Кўрдумким, Иброҳим Ҳаввос бошимға келди ва деди: ҳеч нима ермусен? Дедим: кечдур ва оқшом яқиндор. Деди: яхши қилурсиз, эй мубтадийлар, бу тариқда устувор бўлунг, то фалоҳ топқайсиз. Хуфтон қилғондин сўнгра келди ва таом келтурди ва деди: егил! Кўброк воқеъ бўлғондор! Ул сахар уйқуға қолиб, намоз ҳам фавт бўлди ва ҳам ўй тавофи. Расул с.а.в.ни тушда кўрдумки, деди: [кимки хирс, очқўзлик билан овқатланса, Аллоҳу таоло унинг қалб кўзини ёпиб қўяди]. Уйғониб аҳд қилдимки, ҳаргиз тўйгунча нима емагаймен”.²⁶

Пайғамбаримиз Мұхаммад Мустафо (с.а.в)нинг “Оз гапир, оз е, оз ухла” деган ҳадислари орқали инсонлар гапириш, ейиш ва ғафлат орқали келаган кулфатлардан огоҳлантирилган. Абу Ҳомид Газзолийнинг “Мукошафат ул-қулуб” асарида ёзилишича, “Аллоҳ ўртага қўйган ахлоқ асосларига мослашиш ва нафснинг завқу сафо орзусини синдириш учун нафсинг билан жиҳод қил! Оз ухла, оз сўйла. Бемаъни гапирмаслик, инсонларга ва бошқа жонзотларга азият бермаслик ва оз емак – буларнинг бари нафснинг ҳавои истакларига ғов қўймоқ демакдир. Оз ухлаган одам тўғри тушуниш малакасига эга бўлади”.²⁷ Юқорида Мұхаммад Ҳаммол ҳаётидаги доир келтирилган туш орқали пайғамбаримиз суннатлари тарғиби

²⁶Навоий А. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. XX жилдлик. XVII жилд. – Т.: Фан, 1990. – Б. 112.

²⁷ Абу Ҳомид Газзолий. Мукошафат-ул қулуб. Миразиз Аъзам таржимаси. – Т.: “Адолат” нашриёти, 2002. – Б.9.

билин бирга, инсонларга панд-насиҳат бериш, шу орқали уларни тил ва нафсдан келадиган ташвишлардан қутилишга чақирилган. Келтирилган туш шу жиҳати билан асаддаги бошқа тушлардан фарқ қиласди.

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, асадда келтирилган тушлар тарихий шахслар тақдиди билан боғлиқ бўлганлиги боис фольклор асадларида тушлардан фарқ қиласди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафат-ул қулуб. Миразиз Аъзам таржимаси. – Т.: “Адолат” нашриёти, 2002.
2. Навоий А. Насойим ул-муҳаббат. МАТ. XX жилдлик. XVII жилд. – Т.: Фан, 1990.
3. Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Мороуннахр – Ўзбекистон, 2009.
4. Эшонқул Жаббор. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадиий талқини. – Т.: Фан, 2011. – Б.10.
5. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. VIII жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат ҳомий нашриёти, 2004.
6. Rajabova M. Алишер Навоий ижодида арус тимсолининг бадиий та.
7. Раджабова М. Б. НЕКОТОРЫЕ РАЗМЫШЛЕНИЯ О ЗАГАДКАХ В РАБОТАХ АЛИШЕРА НАВАИ //АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ТЮРКОЛОГИИ: РОССИЯ И ТЮРКО-МУСУЛЬМАНСКИЙ МИР. – 2021. – С. 157-159.
8. Rajabova M. АЛИШЕР НАВОЙИННИГ АБДУРАҲМОН ЖОМИЙГА БАҒИШЛАНГАН МАРСИЯЛАРИ //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 8. – №. 8.
9. Ma'rifat R. SAYFI SAROYI G'AZALLARI BADIYATI //Conference Zone. – 2022. – С. 122-125.
10. Rajabova M. NAVOIY VA OGANIY IJODIDA MIFOLOGIK OBRAZLAR TASVIRIDAGI MUSHTARAKLIKALAR //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2021. – Т. 6. – №. 6.

MUNDARIJA

F.I.Sh.	Maqola nomi	Bet
Kenan Koch.	Өлішер Науаи	10
Olim S.	Alisher Navoiy – davlatshunos	21
Мадаева Ш.О.	Алишер Навоий фалсафасида космологик онтология тамойиллари	33
Hayitov Sh.	Nazm – ijodkor qalbining tarjimasi	39
O'raeva D., O'raeva G.	Alisher Navoiy g'azallarida til odobiga oid tushunchalarning iboralar orqali ifodalanishi	45
Quvvatova D., Sharipova R.	Alisher Navoiy she'riyatida shamol obrazi talqini	51
G'afforova Z.	Navoiy "Hayrat ul-abrор"ida rostlik targ'ibi	54
Rajabova M.	Alisher Navoiyning "Nasoyim ul - muhabbat" asaridagi tushlarga doir mulohazalar	59
Yunusova G., Samiev A.	Hazrat Mir Alisher Navoiy ijodida o'zlikni anglash g'oyasi	68
Rajabova R.	Navoiy ijodida folklor namunalari	72
Tadjiev X.	Navoiy va o'zbek adabiyotida arba'in janri	77
Казимова Г.	Один из гениев узбекской литературы средних веков - Алишер Навои	80
Sulaymonova D.	Important aspects of the work of the representatives of the lake school	86
Sohibova Z.	G'am xazonin zohir etmish chehrayi zardim mening	94
Асрарова М., Джураев Ф.	Воспитание нравственных качеств личности на примере творчества Алишера Наваи	98
Камалова Д.	Алишер Навои – гордост Узбекского народа	103
Баратова М., Джураев М.	Вопросы личности автора и буквальной текстуры	106
Баратова М.	Философские основы художественно-эстетических взглядов Алишера Навои	113
Ахмедова Г., Жураев А.	Алишер Навои - чест Узбекского народа	118
Fayzieva M. , Kudratova K.	Alisher navoiy asarlarida ona timsoli talqini	122
Караматова З.	Бесценный дар, оставленный предками	125
Karamatova Z., Rasulova N.	Interpretation of the women's image in Alisher Navoi's works	129
Mamedova M., Toshev Sh.	Ascetic lifestyle of A. Navai	132
Niyazova M., Oromova M.	Interpretation of Sabai Sayyor epic poem in Khamsa	136
Norova M., Norova M., Norova F.	Life and work of Alisher Navoi, the founder of the uzbek literary language and literature, poet, scientist and educator	139
Odinayeva N. , Hamitova S	Alisher navoiy asarlarida o'zlikni anglash g'oyasi.	144
Kurbanov A., Choriev G'.	The study of Alisher Navoi's heritage begins with the study of his life and creative way	149
Kurbanov A.	The study of Alisher Navoi's literary heritage is in the eyes of scholars	153
Safarova Z. Tursunova Ch.	Ancestor of the uzbek literary language	158
Saidova Z.	Reflection of humanity, active entrepreneurship and innovative ideas in Alisher Navoi's works	163
Саломова М., Зохирова А.	Философско-эстетическая сущность в поэзии	166